*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

**Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи**

№ 167 (20. 135) • 1988 йил 21 июль, • пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

## ПОЛЯК ҚЎШИҒИ БУТУНИТТИФОҚ ФЕСТИВАЛИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИ ВА МЕҲМОНЛАРИГА

Витебскдаги поляк қўшиғи Бутуниттифоқ фестивалининг қатнашчилари ва меҳмонларини чин кўнгилдан табриклайман.

Сизларнинг байрамингиз — совет ва поляк халқлари маънавий яқинлигининг, улар бир-бирига зўр қизиқиш билан қарашининг ифодасидир, бунга мен яқинда ПХРга қилган сафарим вақтида яна бир карра ишонч ҳосил қилдим. Ҳозир, социализмни янгилаш, ижтимоий турмушнинг барча соҳаларини тубдан қайта қуриш ишида биз зўр куч-ғайрат сарфлаётган бир пайтда санъат янги уфққа чиқмоқда ва халқларимиз ўртасидаги қардошларча ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун кўпроқ фойда келтириши мумкин.

Қўшиқ — энг оммавий, севимли жанрлардан биридир. У одамларга бир-бирининг дилига осонгина йўл топишга, уни тушуниш ва севишга ёрдам беради. Совет қўшиғининг Зелёная Гурадаги фестиваллари доим муваффақиятли ўтаётганлиги бундан яққол далолат беради.

Сизларга катта ижодий омад ёр бўлсин, меҳмондўст Белоруссия диёрида ёрқин таассурот олиб, унутилмас учрашувлар ўтказишингизга тилакдошман.

**М. ГОРБАЧЕВ.**

# СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси

18 июль куни Кремлда СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлди.

Президиум Арманистон ССР ва Озарбайжон ССР Олий Советларининг Тоғли Қорабоғ тўғрисидаги қарорлари масаласини кўриб чиқди.

Мажлисни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико очди.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Арманистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Г. М. Восканян ахборот берди.

Масала тарихини таърифлаб, у бундай деди: ўз вақтида Сталиннинг талаби билан Кавказ бюроси ўзининг илгари қабул қилинган қарорини қайтадан кўриб чиқиши оқибатида аҳолисининг 95 проценти арманлардан иборат бўлган ҳақиқий арман области — Тоғли Қорабоғ Арманистондан ғайриихтиёрий тарзда ажратиб олиниб, Озарбайжон ССР составига киритилган эди. Область аҳолиси ҳам, Арманистон ССР аҳолиси ҳам ана шу чидаб бўлмайдиган адолатсизликка муроса қилолмай келдилар.

Шундан кейин ўтган ўн йилликлар мобайнида арман халқи ва республика раҳбарияти тарихий адолатни тиклаш тўғрисидаги масалани бир неча бор кўтариб чиқдилар. Бунинг боиси яна шунда ҳам эдики, Тоғли Қорабоғ автоном областининг социал-иқтисодий ривожланишидаги қолоқлик яққол сезилиб қолди, областдаги арман аҳолисининг миллий ҳуқуқлари ва қадр-қиммати камситилишига йўл қўйилди, мазкур аҳолининг маънавий юксалиши йўлига ғовлар қўйилди.

20 февраль куни Тоғли Қорабоғ автоном области халқ депутатлари Советининг навбатдан ташқари сессияси Озарбайжон ССР ва Арманистон ССРнинг давлат ҳокимияти олий органларига Тоғли Қорабоғни Арманистонга қўшиш тўғрисида расмий илтимос билан мурожаат этиш ҳақида қарор қабул қилди. Ушбу қарор амалдаги Конституция нормаларига зид эмас. Шу йилнинг 15 июнь куни Арманистон ССР Олий Совети арман халқининг якдил хоҳиш-иродасини и ф о д а этиб, Тоғли Қорабоғ автоном областининг Арманистон ССР составига киришига розилик берди ва СССР Олий Советига мурожаат қилиб, бу масалани кўриб чиқиш ҳамда уни ижобий ҳал этишни илтимос қилди.

Шу қадар мураккаб масалани кўриб чиқиш чоғида иккала республикадаги фавқулодда мураккаб вазиятни ҳисобга олиш зарурлигини тушуниб турибмиз. М. С. Горбачев Озарбайжон ва Арманистон меҳнаткашларига ва халқларига йўллаган маълум мурожаатномасида уларни гражданлик етуклиги ва сабр-матонат намоён этишга, ақл-идрок билан, тўғри қарорлар доирасида ҳаракат қилишга даъват этди.

Шундай кейин Арманистон Олий Совети Президиумининг Раиси тақдим этилган қарор лойиҳаси хусусида ўз фикрини билдирди. Ғоятда таассуф билан шуни айтишим кераки, деди у, биз Президиум аъзоларига Арманистон ва Тоғли Қорабоғ автоном областидаги вазиятнинг ниҳоятда ўткирлигини ва фожиалилигини етказа олмаганга ўхшаймиз. Мабодо, ана шу қарор қабул қилинадиган бўлса, арман халқи алам-афсус чекади, чунки арман халқи мазкур масалани кўриб чиқиш чоғида КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми ғояларидан руҳланган партия конференцияси резолюцияси йўл-йўриқларига амал қилинади, деб кутган эди.

Шундан кейин СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Озарбайжон ССР Олий Совети Президиуми Раиси С. Б. Татлиев ахборот берди.

Областда яшаётган арманларнинг ҳам, озарбайжонларнинг ҳам, бошқа миллатга мансуб кишиларнинг ҳам кўпгина ҳаётий масалалари, албатта, ҳал этилиши лозим эди, деди у. Нотиқнинг фикрича, автоном областнинг мавжуд статуси бу вазифани тўла ҳажмда бажаришга имкон беради.

Халққа ғулув солаётган экстремистлар эса худди ана шундай бўлишини истамаяптилар.

13 июнь куни Озарбайжон ССР Олий Совети Президиуми Тоғли Қорабоғ автоном областини Озарбайжон ССР составидан Арманистон ССР составига ўтказишни номақбул деб топган қарор қабул қилди. 17 июнь куни республика Олий Совети Президиумнинг бу қарорини маъқуллади, шунингдек, бундай илтимосни қондириш мумкин эмас, деб қарор қабул қилди. Бу ўринда биз КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Озарбайжон ССР ва Арманистон ССР меҳнаткашларига, халқларига мурожаатномасида баён этилган қоидалар ва хулосаларга, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг шу йил 24 мартдаги қарорига амал қилдик. Биз Тоғли Қорабоғ автоном областида ва бутун республикада яшаётган аҳолининг интернационалистлик манфаатларига, Озарбайжон ва Арманистон халқлари дўстлиги, қардошлиги ва алоқа-

(Давоми иккинчи бетда).

# КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. ГОРБАЧЕВ нутқи

Ўртоқлар! Биз СССР Олий Совети Президиумининг ушбу мажлиси муҳокамасига қўйилган масалани кўриб чиқаётганимизда бениҳоя эътиборли ва масъулиятли, олий даражада масъулиятли бўлишимиз керак. Гап кўп миллатли давлатимиз учун катта сиёсий аҳамиятга молик ҳаётий муҳим масала ҳақида бормоқда. Иш инсоний муносабатларнинг ғоят нозик соҳасига, мамлакат миллатлари ва элатлари ўртасидаги муносабатларга тааллуқлидир. Бу — Умумиттифоқ миқёсидаги муаммодир, чунки давлатимизнинг турли жойларида рўй бераётган ҳамма воқеалар барчамизга тааллуқлидир. Биз ҳаммамиз энг катта ва мураккаб масалалар вазминлик билан, асосли тарзда, муштарак манфаатларимизни кўзлаб ҳал этилишидан астойдил манфаатдормиз. Шуни ҳам айтиш кераки, биз илдизлари олис ўтмишга бориб тақаладиган муаммога дуч келиб турибмиз. Умуман, ўртоқлар, биз бугун муҳокама қилинаётган муаммога қай тарафдан ёндашмайлик, қай назар билан қарамайлик, у — ўта муҳим, ўта мураккаб масаладир. Гарчи, сирасини айтганда, у оддий масала ҳамдир. Аммо мана шу оддий қарорга келмоқ учун жуда қатъий ва мардона қадам қўйиш керак, энг муҳими эса муқобил қадамлар қўйиш зарур.

Таъбир жоиз бўлса, СССР Олий Совети Президиумининг бугунги мажлиси — бизнинг қайта қуриш жараёнимиздаги жуда муҳим босқичдир. Бугина эмас, мен ушбу мажлисни тарихий мажлис деб атаган бўлур эдим. Чунки, сиз билан биз башарти, бугун бу масалани ҳал этиш калитини топмасак, бу нарса оғир оқибатларни келтириб чиқарган бўлур эди ва бутун қайта қуришга таъсир қилган бўлур эди, шу боисдан ҳам биз бу калитни топишимиз керак.

Биз мамлакатимиздаги биронта ишни, биронта муаммони, ҳатто энг кичик элат манфаатларини ҳам менсимай ҳал эта олмаймиз. Бу — ленинча миллий сиёсат концепциясидан келиб чиқади. Биз шу йўсинда ҳаракат қилиб келдик ва кўп иш қилдик. Модомики, давлатимиз тарихий вазифаларни ҳал этишни уддалаган экан, модомики ўтмишда халқлар зиндони бўлган қолоқ Россия эндиликда замонавий, ҳар жиҳатдан, иқтисодий жиҳатдангина эмас, шу билан бирга сиёсий, ҳарбий, интеллектуал, илмий жиҳатдан ҳам қудратли давлат бўлиб қолган экан, мана шуларнинг ҳаммасига барча миллат ва элатларнинг зўр куч-ғайратларини бирга қўшиш натижасида эришиш мумкин бўлди.

Башарти, биз миллий масалани ҳал этишда йўлчи юлдуз бўлиб қолган мана шу ленинча фикрга, мана шу ленинча мезонга амал қилмаганимизда эди, ҳозир биз буларнинг ҳеч бирига эришмаган бўлур эдик. Мана шуларнинг ҳаммасига қарамай, бу соҳада бир талай муаммолар йиғилиб қолди, албатта. Ички сиёсатнинг шу муҳим соҳасида биз жуда узоқ давр мобайнида илгари силжимадик. Кўпгина ўртоқларнинг, айниқса, кавказлик қалин дўстим Расул Ҳамзатовнинг нутқи менда кучли таассурот қолдирди.

Асли биз ҳозир жуда оғир вазиятга, давлатимиз турмушининг асосий қонуни — дўстлик қонуни бузилаётган вазиятга тушиб қолдик, деб у ҳақ гапни айтди. Модомики, биз шу пайтга қадар барча энг машаққатли синовлардан муваффақиятли ўтган эканмиз, шу жумладан, Улуғ Ватан урушида ғолиб чиққан эканмиз, буларнинг ҳаммасига фақат дўстлик қонунига риоя этиш туфайли, бирга бўлганлигимиз, бир-биримиздан мадад олиб турганлигимиз туфайли эришдик. Урушдан кейин бутун-бутун республикаларни, катта-катта территорияларни кўтариш керак бўлганида, ҳамиша дўстнинг мадади, ҳамжиҳатлик ва ёрдамдан баҳраманд бўлдик. Мана, ҳозир ҳам биз мамлакатни янгилашнинг улкан вазифаларини халқлар дўстлигисиз ҳал эта оламизми, социализмнинг истиқболларини меҳнаткашлар манфаатлари йўлида, уларнинг турмушини яхшилаш манфаатлари йўлида намоён эта оламизми, ҳар бир инсоннинг кайфияти социализм мамлакатига муносиб равишда бўлиши, у ўзини эркин мамлакатнинг чинакам эркин граждани деб ҳис эта олиши учун ҳамма ишни қила оламизми, ахир.

Шу сабабли, ўртоқлар, масала ҳақиқатан ҳам ўта муҳимдир, такрор айтаманки, мажлисимиз тарихий мажлисдир. Бугун биз масалани шундай ҳал этишимиз кераки, у миллатлараро муносабатлар соҳасида вужудга келган бошқа кўпгина масалаларни ҳал этиш учун намуна бўлиб қолсин.

Сўзга чиққан барча кишилар нутқларини содир бўлган воқеаларнинг сабабларини таҳлил этишдан бошладилар. Шундай бўлиши тўғри, чунки рўй берган воқеанинг оқибатлари билангина шуғулланиш етарли эмас. Сабоқ чиқариб олиш учун рўй бераётган воқеаларнинг сабабларини билиш керак.

Шу муносабат билан бу ерда иттифоқ давлатимизни ташкил этишнинг илк босқичида давлат органлари фаолиятидаги муайян нуқсонлар кўрсатиб ўтилди. Бу хусусда турли нуқтаи назарлар бор. Улар бизга маълум. Биз фикр-мулоҳазаларимизнинг бу бандига ҳозир тўхталиб ўтирмаймиз. Аммо, эҳтимол, ўша пайтда ҳамма масала ҳам жуда кўнгилдагидек ҳал этилмаганини айтиб ўтиш ўринли. Ўша пайтдан буён орадан 65 йил вақт ўтди. Мана ҳозир Арманистон билан Озарбайжон кўз ўнгимизда ҳам иқтисодий, ҳам маданий, ҳам интеллектуал жиҳатдан зўр имкониятларга эга ривожланган республикалар сифатида намоён бўлиб турибди. Бу эса ўтмишда қабул этилган қарорлар олий даражада бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда асосий масалада тўғри эканлигидан далолат беради. Шу сабабли барча ўртоқлардан ўтмишда масала қандай ҳал этилганлиги хусусида фикр юритганда, мана шуларни назарда тутишни илтимос қилмоқчиман. Мен олимларга мурожаат этаман: жуда масъулиятли бўлиш керак. Агар аввал бошданоқ ҳамма нарса хато ва ёмон бўлганида эди, биз шундай натижаларга эриша олармидик? Йўқ.

Биз рўй берган воқеаларнинг сабаблари, арман ва озарбайжон аҳолисини нималар ҳаракатга келтирганини ҳақида гапирганимизда, ўтмишнинг оғир меросини ҳам назарда тутиш керак, деб ўйлайман. Буларнинг ҳаммаси ички сиёсат соҳасидаги, шу жумладан, миллий сиёсатдек муҳим йўналишдаги жиддий, катта нуқсонлардир. Ҳар қандай масалани узил-кесил ва абадий ҳал этилган, деб ҳисоблаб бўлмайди. Ҳар қандай масаланинг ўз динамикаси, ўз ривожи бўлади, бу гап миллий муносабатлар тўғрисидаги масалага ҳам тааллуқлидир. Ҳамма нарса нақадар ўзгариб кетганига назар ташланг. Ҳозирги одамларнинг 90 проценти Совет ҳокимияти даврида туғилган. Ҳар бир халқнинг ўз зиёлилари, илмий кучлари, ўз маданияти, ўз тили бор. Бу — жуда яхши. Агар бирор киши бошқача ўйласа, агар бирор киши ҳамма нарсани дазмол остига олиб силлиқламоқчи бўлса бу — хато йўлдир, бу йўлни дарҳол рад этмоқ керак. Миллатларнинг яқинлашуви ва равнақ топиши, халқларимизнинг яқинлашуви ва куч-ғайратларнинг бирлашуви ҳар бир халқнинг, ҳар бир маданиятнинг янада равнақ топиши, ҳар бир тилнинг ривожланиши асосида давом этади. Бу — бизнинг камчилигимиз эмас, балки бойлигимиздир.

Янги авлод ҳаётга қадам қўймоқда, ўсиб етишган зиёлиларнинг отрядлари ўз тарихини: халқ қаердан пайдо бўлганини, унинг тили қандай таркиб топганини ўрганмоқдалар. Ўтмишда у қандай ўзаро алоқаларга эга бўлганлигини, бугун қай қиёфага кирганлигини ва у келажакни қандай тасаввур этаётганини ўрганмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси — ҳаётий жараёнлардир. Бинобарин, бу жараёнларни ўз ҳолига ташлаб қўйиб бўладими? Ҳолбуки, кўп жиҳатдан булар ўз ҳолига ташлаб қўйилган эди. Тоғли Қорабоғдаги воқеаларнинг илдизлари ҳам мана шунда. Ҳам интернационал, ҳам сиёсий, ҳам маънавий жиҳатдан юксак бўлмаган кишилар у ёки бу регионларга раҳбар бўлиб қолганликлари ҳам эътиборга олинса, мана шуларнинг ҳаммаси нима учун бундай кескин тус олгани равшанлашади.

Мен ҳозир фақат Қорабоғ ҳақида гапираётганим йўқ, чунки у бирдан-бир ҳодиса эмас. Бу воқеа кескин тус олди ва бизни умуман бундай ҳолат ҳақида фикр юритишга мажбур этмоқда.

Тоғли Қорабоғ муаммоси Озарбайжоннинг раҳбар органлари йўл қўйган жиддий нуқсонлар билан боғланган, ўртоқлар ҳам буни ўз-ўзини танқид асосида тан олмоқдалар. Мен ҳис-ҳаяжонга берилмаётган ўртоқ Везировнинг ва бошқаларнинг эътиқодли интернационалистик позициясини қадрлайман. Ўртоқ Иброҳимов ҳам, агар инсонни жазоламоқчи бўлсалар, уни фаҳм-фаросатдан маҳрум этиш керак, деб тўғри айтди.

Марказий Комитетнинг, ҳукуматнинг йўл-йўриқларини амалга ошириш керак, бу йўл-йўриқлар Тоғли Қорабоғни социал-иқтисодий, маданий жиҳатдан ривожлантиришнинг бутун комплексини ўз ичига олади. Бу ҳужжатга нега салбий назар билан қаралаётгани бизга тушунарли эмас. Бу ҳам етмагандек, уни меҳнаткашлардан яшираётганликлари, унинг бажарилишига халақит бераётганликлари маълум бўлиб қолди. Бундай қилиниши бизга мақбул эмас, биз бундай ёндашувни қоралаймиз. Рўй бераётган воқеаларнинг сабабларини таҳлил этганда, Озарбайжонда ҳам, Арманистонда ҳам иккала республиканинг меҳнаткашларини кўпдан буён ташвишга солиб келаётган бирталай ўткир муаммолар тўпланиб қолганини кўра олишимиз керак. Бу республикаларнинг иқтисодий ва социал ривожланишида жиддий камчиликлар бор, бу камчиликлар экология масалаларини мушкуллаштирди, кадрлар сиёсатида катта нуқсонларга йўл қўйилди, идеология соҳаси ўз ҳолига ташлаб қўйилди, интернационал тарбия заифлашди, социалистик ахлоқ принциплари жиддий равишда бузилди. Бу ҳол кўп нарсаларда намоён бўлди. Республикаларда ошна-оғайнигарчилик, порахўрлик, «пинҳона экономика» кучайган. Қайта қуриш мана шуларнинг ҳаммасини аниқлаб берди ва биз мазкур республикалардаги баъзи кимсаларга қайта қуриш нега мақбул бўлмай қолганини кўрдик. У жойларда турмушнинг барча асосий соҳаларини ўз қўлларида ушлаб туришни истовчи муайян уруғ-аймоқлар вужудга келган. Қайта қуриш эса бошқача ишни талаб қилади, у меҳнаткашларни сиёсий фаолият майдонига ҳал қилувчи бош куч сифатида чиқариб қўяди.

Шу сабабли у томон ҳам, бу томон ҳам Тоғли Қорабоғдан миллий ҳис-туйғуларни авж олдириш учун баҳона тарзида фойдаланиб, йиғилиб қолган, ҳақиқатан ҳам қийин, мушкул муаммоларни ечиш учун мазкур ҳис-туйғуларни миллатчилик шаклига киритиб юборди. Бу ҳақда биз республикаларнинг собиқ раҳбарлари билан гаплашдик, партия Марказий Комитетининг июнь Пленумида ҳам ошкора гапирдик. Хуллас, бу ердаги ҳамма нарса нақадар чигаллашиб кетганига назар ташланг. Буларни жўнлаштирмаслик керак. Умуман, мен ҳозир ўтмиш ҳақидаги мана шу гапларни мазкур муаммонинг қийинлиги, мураккаблиги ва муҳимлиги, нозиклиги, ҳис-туйғуга таъсир этиши бир-биримизга жуда масъулият ва ҳурмат билан муносабатда бўлишни талаб қилади, деган чуқур эътиқод билан тугалламоқчиман.

Мана шу нарса етишмаяпти, ўртоқлар. Биз сизларга, Озарбайжоннинг ҳам, Арманистоннинг ҳам вакилларига, шу нарса етишмаяпти, сизлар буни эътиборга олишингиз керак, деб айтишимиз лозим.

Бугун биз бу ерда, СССР Олий Совети Президиумининг мажлисида Озарбайжон вакиллари томонидан ўз-ўзини танқидни кўпроқ, Арманистон вакиллари томонидан эса буни камроқ эшитяпмиз. Тузукроқ ўйлаб кўринглар, у республиканинг ҳам, бу республиканинг ҳам мулоҳаза юритиши жоиз бўлган масалалар бор, чуқур фикр-ўйлар юритиш ва сабоқлар чиқариш учун асослар бор. Башарти, сизлар шу учрашувдан, мана шу муҳокамадан ҳам ҳамма ишни англаб олишни ва воқеаларни ҳозир бошқача йўлга буришни ўйлаб кўришни хоҳламай, жўнаб кетадиган бўлсангиз, нотўғри бўлур эди. Айтишим мумкинки, бундай қилиш ҳатто оғир бўлур эди.

Бу ердаги муҳокама ҳаммамиз учун изсиз қолмаслигига аминман, ўртоқлар. Мамлакатнинг барча республикалари ва марказий ҳокимият органлари вакилларини ўз ичига олувчи Олий Совет Президиуми учун ҳам, иккала қардош республика — Озарбайжон ва Арманистон вакиллари учун ҳам изсиз қолмайди. Азиз дўстлар, мен сизларга айтсам, сизлар тутган позициянинг юксаклиги ва моҳияти баъзи ўртоқлар Ереванда ёки Бокуда ўз сўзларини қандай тинглашларинигина ўйлаб бу ерда гапирганларидек, сизларнинг нима дейишингиз билан белгиланмайди. Йўқ, позициянгизнинг юксаклиги ва моҳияти бугун Иттифоқимизнинг туб манфаатларини, Озарбайжон ва Арманистон халқларининг туб манфаатларини изҳор этишдан иборат бўлади, бу манфаатлар эса бир-бирига мувофиқ келади, ўртоқлар. Бу манфаатлар бир-бирига мувофиқдир.

Менинг назаримда, марказ мана шу қийин ойларда иккала халққа ҳурматни сақлаб қолиш, улар ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашуви ҳаддан ошиб кетмаслиги, шу халқлардан ҳар бирининг кўнглини оғритмаслик учун ҳамма ишни қилишдан иборат асосий мезонга, ленинча мезонга амал қилишига интилди. Биз ҳамма вақт барпо этилган нарсаларни бузмайдиган ва боз устига, янги масалаларни иккала халқнинг манфаатлари ва бутун Иттифоқнинг манфаатлари йўлида оқилона ҳал этиш иложини топадиган тарзда иш тутдик. Биз реал вазиятни аниқ билиш учун республикаларга бир неча бор ўртоқларни юбордик. Бу нарса бизга мен юқорида айтиб ўтган фикрларни, таклифларни, ҳукумат қарорини, кенг миқёсли ва йирик қарорни ишлаб чиқишда ёрдам берди. Вазият чигаллаша бошлаб, биз оғир синов; ҳатто қон тўкилиши мумкинлигини кўрганимизда эса, ана шу вазиятни тўхтатиш учун милиция кучларини ва қўшинларни киритдик. Шундай қилиш бизнинг бурчимиз — марказий ҳукуматнинг, марказий ҳокимиятнинг бурчи, деб ҳисобладик ва шундай деб ҳисоблаяпмиз. Буни қаранг, биз нақадар ҳақ бўлиб чиқдик: ярим кечагина (бутун воқеа кечаси бошланди-ку, ахир), бир неча соатгина кечикдик, бу эса Сумгаитда нақадар фожиали оқибатларни келтириб чиқарди.

Айтишим кераки, бу воқеа ҳаммамизнинг дилимизни сиёҳ қилди, катта ғоялар, умидлар билан тўлиб тошган бугунги турмушимизга соя солди. Буни чуқур ҳис этамиз: катта кулфат содир бўлди ва у барча кишиларни ҳаяжонга солди.

Ереван аэропортидаги воқеалар жуда масъулиятли бўлиш, вазиятнинг кескинлашувини эътибордан четда қолдирмаслик кераклигини яна бир бор кўрсатди. Иккала республикадаги вазиятни нормал ҳолга келтириш кераклиги ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Буни қаранг, ўртоқлар, ҳозирнинг ўзидаёқ эҳтирослар қандайдир тарзда назоратдан чиқиб кетмоқда. Социализмга қарши, Советларга қарши, русларга қарши шоирлар, агрессив кайфиятдаги газандалар қўлида қурол пайдо бўлмоқда. Умуман, бугун биз Озарбайжон ва Арманистон аҳолисининг ҳаёти ҳамда осойишталиги учун хавф туғилганини қайд этишимиз керак. Бу хавф амалда мавжуд бўлиб турибди. Мана шундай бир пайтда айрим кимсалар Ереван шаҳар Советининг сессиясини қўшинлар олиб чиқиб кетилсин, деган қарор қабул қилишга ундамоқда. Бу — ҳозир у ерда билиб бўлмайдиган оқибатлар юз бермаслиги учун олий манфаатларни кўзлаб турган ўз армиямиз-ку, ахир!

Шу боисдан, Олий Совет Президиуми мана шуларнинг ҳаммасини назарда тутиб, бу масалани муҳокамага қўйганлиги тўғри иш бўлди, деб ўйлайман, мана биз ўзимиз учун, давлатимиз учун жуда муҳим бўлган шу масалани рўй-рост, тўппа-тўғри, юз хотир қилмай муҳокама этаяпмиз.

Биз Тоғли Қорабоғ теварагидаги воқеалар хатарли ривожланишини тўхтатиш учун зарур қарорлар қабул қилишимиз лозим. Юқорида айтилганлардан ташқари вазиятнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат? Бу хусусиятлар шундан иборатки, бу муаммога икки республика бир-бирига мутлақо қарама-қарши, айтишим мумкинки, ультиматум позицияларидан туриб ёндашмоқдалар. Шуни ҳам айтиш кераки, бу позициялар мунозараларда, республикалар Олий Советлари сессияларида қабул қилинган ҳужжатларда ўз ифодасини топди. Бу ҳужжатлар бир-бирини истисно қилади, ўзаро келишилган қарорлар қабул қилишга асос бера олмайди ва умуман бизни боши берк кўчага олиб киради. Аммо биз бундай мураккабликка ва позицияларнинг бир-бирига қарама-қаршилигига қарамай, озарбайжон халқига ҳам, арман халқига ҳам, бутун совет халқимизнинг манфаатларига ҳам путур етказмайдиган йўлни топишимиз керак.

(Давоми иккинчи бетда).

*«Ҳосил—88»: «Дала—редакция» телефон линиясида*

# ҲАР ИШДА ИЗЛАНМОҚ КЕРАК

**Газетамизнинг Наманган область мухбири Ш. ХОЛМИРЗАЕВ хабар беради:**

**— Ғанибой Маллабоев илгари ўн йилча пиллачилик бригадасига раҳбарлик қилди. Кейинги беш йилдан буён пахтачилик бригадаси бошлиғи. Бирор йил йўқки, коллектив планни бажармаган бўлса. Бунинг сабабини тажрибали деҳқон «ҳар бир ишда изланиб меҳнат қилишда» деб билади. Ҳозир мен унинг дил сўзларини магнит лентасидан телефон линиясига узатаман...**

**Уйчи районидаги Ленин номли колхоз пахтачилик бригадаси бошлиғи Ғ. МАЛЛАБОЕВ сўзи:**

— Одатда ижодкор кишилар талантига баҳо берилганда «у доимо изланади, ижоднинг янги қирраларини топади» деган ташбеҳлар ишлатилади. Бу тўғри. Лекин деҳқонга-чи? Нега ишбилармон, тажрибали, миришкор деҳқонларга «изланади» деган сўзни раво кўрмаймиз. У ҳам изланиб ишлайди. Ҳосилдорликни ошириш йўлларини қидиради.

Эсингизда бўлса, 1986 йилнинг баҳори жуда инжиқ келганди. Ёғин кўп бўлди. Оқибатда чигитлар чириб кетди. Бизда кўпгина майдонлар ола бўлиб қолди. Шунда Юсуфжон Қозоқов бригадаси чигити ола чиққан ўн гектар ерда одатдан ташқари кенг, 90 сантиметрли пушта олиб, унинг икки ёнига уруғ ташлади. Бу май ойининг учинчи иш кунида бўлганди. Гап чигитни эрта ёки кеч экишда эмас экан. Қаров ва парвариш яхши бўлгач, пахта мўл бўлди. Октябрнинг ярмида ўша ердаги звено маррага етди.

Бу биз учун катта «дарс» вазифасини ўтади-ю, ўтган йили бригадамиз ҳам ўз ер майдонининг учдан икки қисмига худди шу усулда чигит экди. Йил оғир келишига қарамасдан ҳосил кутилгандек етиштирилди: мўлжалдагидан ҳам гектар бошига 2,5 центнердан ортиқ бўлди.

Бу йил 73 гектар майдоннинг ҳаммасига 90 сантиметрли пушта олиб, икки ёнига (оралиғини 20 сантиметрдан қилиб) уруғ ташладик. Ғўзаларимиз ўтган ойнинг бошидаёқ гуллай бошлади. Ҳозир шиғил-шиғил кўсаклар кўзни олади. Мўлжалимиз — планни октябрь ойидаёқ бажариш!

Тажриба шуни кўрсатдики, бу илғор усулнинг бир қатор устунликлари бор. Масалан, энг аввало, пуштаси 90 сантиметр бўлган майдонлар ёғин ва жаладан шикастланмайди. Чунки пушта сирти тик бўлгани туфайли унинг устида сув тўхтамайди. Бундан ташқари эгат ичи 40-50 сантиметр чуқур ҳам бўлиб, халқобланиб қолмайди. Шунингдек, пушта кенг, эгати чуқур бўлгач, шохариқлар сони камаяди. Бу эса карталарда (гектар ҳисобига) 90-95 минг туп ўрнига 110-115 минг туп ғўза тупи қолдириш имконини беради. Уларга сув қўйиш жараёни осонлашади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу усулда ғўза ниҳоллари намликни муздек сувдан эмас, балки эгатдаги илиқ захдан олади.

Бу йил колхозимиз бўйича 400 гектар ерга шу усулда чигит экканмиз.

Юқорида «Ҳар бир ишда изланиб меҳнат қилмоқ керак» деганимнинг боиси шунда. Зеро, «қидирган топади», «изланганга толе ёр», дейди халқимиз. Бу сўзларда ҳикмат кўп.

## *Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида*

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети улуғ тожик шоири, мутафаккири ва файласуфи Абдураҳмон Жомий таваллудининг 575 йиллиги муносабати билан юбилей тадбирларига тайёргарлик кўриш ва уни 1989 йилда ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Тузилган юбилей комиссияси составига ижодкор зиёлиларнинг, илм-фан, оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг вакиллари кирдилар. Комиссияга Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти Э. Ю. Юсупов бошчилик қилмоқда.

* * *

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети атоқли шоир, драматург, публицист ва таниқли жамоат арбоби, ўзбек совет адабиётининг асосчиларидан бири Ҳамид Олимжон туғилган куннинг 80 йиллиги муносабати билан юбилей тантаналарига тайёргарлик кўриш ва уни 1989 йилда ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Юбилей комиссияси тузилиб, унинг составига ижодкор зиёлиларнинг, илм-фан, оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг вакиллари кирдилар. Комиссияга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов бошчилик қилмоқда.

* * *

**ИЖОДКОР ЗИЁЛИЛАР БИЛАН ИШЛОВЧИ КЕНГАШНИ ТУЗИШГА ДОИР ТАШКИЛОТ БЮРОСИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. О. Азимов раислигида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузурида ижодкор зиёлилар билан ишловчи кенгашни тузишга доир ташкилот бюросини тасдиқлади. Ташкилот бюроси составига республика ижодий союзларининг раҳбарлари кирдилар.

Ташкилот бюросига ижодкор зиёлилар билан ишловчи кенгаш тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиш ҳамда ижодий союзларнинг раҳбарияти, партия ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда шу кенгашнинг алоҳида составини аниқлаш ҳамда уни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг тасдиғига тақдим этиш таклиф қилинди.

## ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

Конго Меҳнат партияси делегацияси Ўзбекистонга келди. Меҳмонлар республикада қишлоқ хўжалигига ва кооператив ҳаракатига раҳбарлик қилиш тажрибаси билан танишадилар. Улар Тошкент, Сирдарё ва Жиззах областларидаги колхозлар ва совхозларга борадилар, хўжаликларнинг раҳбарлари ва меҳнатчилари билан учрашадилар.

Конгодан келган делегация аъзоларини 20 июль куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари В. А. Антонов қабул қилди.

(ЎзТАГ).

## *Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони*

**ЎРТОҚ Б. Ф. САТИННИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Партия органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари ўртоқ Борис Федорович **Сатин** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси П. ҲАБИБУЛЛАЕВ.**

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.**

Тошкент шаҳри, 1988 йил 19 июль.

# КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. ГОРБАЧЕВ нутқи

**(Давоми. Боши биринчи бетда).**

Бугун бу ерда, Президиум мажлисида Арманистон ва Озарбайжонда юз бераётган воқеалардан барча қардош республикаларнинг ташвишланаётганлиги яққол эшитилди. Ўртоқларнинг гапларини тушунишимча, ҳаммамизни фақат мунозара, фақат бир-бирига ўзаро айб қўйиш ва ҳақоратлаш ташвишга солаётгани йўқ, миллатлараро муносабатларда бунга йўл қўйиб бўлмайди, чунки у ана шу муносабатларни заҳарлайди, масалаларни кўриб чиқиш ва ҳал этишга тўсқинлик қилади. Бу бизнинг асосий ишимизга қайта қуриш, жамиятимизни демократиялаш ишига жуда катта путур етказаётгани ҳаммамизни ташвишга солмоқда. Умуман биз, очиғини айтаман, синовлар давридан ўтяпмиз. Қайта қуриш бундай вазиятга бардош бера оладими?

Қайта қуриш одамларнинг ғоят жипслашувини талаб қилмоқда, бизга эса нифоқ ва миллий ишончсизликни таклиф қилмоқдалар. Қайта қуриш демократиялаш ва ошкораликни талаб қилади, бу ерда эса демократиялаш байроғи остида меҳнат коллективларига, республикаларнинг аҳолисига масъулиятсиз шахслар томонидан сурбетлик билан тазйиқ ўтказилаётганлигини, ҳатто ҳокимият органларига ҳам, шу жумладан, СССР Олий Советн Президиумига тазйиқ ўтказишаётганини кўриб турибмиз.

Қандай формалар қурол қилиб олинганини қаранг: сурункали оммавий намойишлар, митинглар ва, ниҳоят, забастовкалар қурол қилиб олинди. Бошқача қилиб айтганда, қайта қуриш берган ва яратган демократик ҳуқуқлар ва янги шароитлардан демократияга зид мақсадларда фойдаланилаётганлигини кўриб турибмиз.

Менимча, ўртоқлар, бу бизга маъқул эмас, бу ҳеч кимга керак эмас ва мамлакатимиз халқларининг манфаатларига мос келмайди.

XIX партия конференциясининг даъватларига қарамай, экстремистларча ҳаракатларини давом эттираётган, меҳнаткашларни гиж-гижлаётган одамлар бор, партия конференциясидан кейин бу хусусдаги вазият ҳатто ўткирлашди.

Умуман, биз Президиумнинг ушбу мажлисида тўғри йўлни танлаб олишдек қийин вазиятда турибмиз, лекин бу йўл белгилаб олиниши керак. Чунки, гап икки халқнинг, тарихи ва тақдири жиҳатидан бир-бирига яқин бўлган икки қардош халқнинг келажаги тўғрисида бормоқда. Арманлар ва озарбайжонлар асрлар давомида биргаликда яшаб келишди, ҳозир ҳам биргаликда яшашмоқда, келгусида ҳам бирга яшайверадилар, деб ўйлайман, биз бошқача бўлишини тасаввур қила олмаймиз, сизлар, икки халқ вакиллари ҳам биргаликда яшашдан бошқача йўлни тасаввур қила олмайсиз.

Агар биргаликда яшайдиган бўлсангиз, у ҳолда ҳозирги кун тўғрисида ҳам, келажак ҳақида ҳам ўйлаш керак. Биз ҳозирги кунимиз учун ва, айниқса, келажак учун жавобгармиз. Ҳар бир шаҳар ва қишлоқда, ҳар бир кўчада, ҳар бир уйда одамлар ўртасидаги ишончни тиклаб, ё тинчлик ва дўстлик билан яшаш керак, ёки бўлмаса озарбайжон ва арман халқларининг энг яхши ўғил ва қизлари кўпгина авлодлари эзгу ва муқаддас ишлар йўлида жонларини қурбон қилганликларини унутиб, ўзаро нифоқ ва ишончсизликнинг бўтана ботқоғига ботиб кетиш керак. Бу икки халқнинг тарихий тараққиётини издан чиқариб юборади. Бу умуман мамлакатдаги вазиятга таъсир қилади. Мен айтишим мумкинки, агар шундай бўлса (мен бундай бўлмайди, деб ўйлайман, ҳаммаси ўзгариб яхши бўлиб кетишига ишончим комил), — ҳар ҳолда ана шундай бўлса, тарих бизни ҳеч қачон кечирмаган бўларди. Одамлар ҳам бировларни улар ўз нотўғри сўзлари ва шиорлари билан масъулиятсизлик йўлига итарганликлари учун, бошқаларни эса уларнинг қўлидан ушлаб тўхтатиб қолмаганликлари, ҳокимиятни ишга солмаганликлари учун ҳеч қачон кечирмаган бўлардилар. Бизни озарбайжонлар ҳам, арманлар ҳам, бутун совет халқи ҳам кечирмаган бўларди. Бизнинг партиямиз интернационал партия, революциямиз ҳам интернационал, мамлакатимиз ҳам интернационал, бинобарин, биз шу хонадонда барча оилалар, миллатидан қатъи назар, аҳил яшашларига эришишимиз лозим.

Шу муносабат билан яна бир нарсага тўхталиб ўтмоқчиман. Бир неча ойдан буён давом этаётган баҳсларда, шуни ҳам айтишим керакки, Олий Совет Президиумининг ҳозирги мажлисида бўлган ва давом этаётган баҳсларда ҳам ҳар иккала томоннинг нима бўлса ҳам ғалабага эришиш, ўз республикасига, ўз ўлкасига ғолиб бўлиб қайтиш муддаоси яққол сезилиб турибди. Арманистон вакиллари Тоғли Қорабоғ ўз республикаси составига қўшилишига эришишни, Озарбайжон вакиллари эса Тоғли Қорабоғ автоном области Арманистонга топширилишига йўл қўймасликнигина эмас, ҳеч бир жиҳатдан бир энлик ҳам чекинмасликни кўзламоқдалар. Мен бу гапларни кўзингизга тик қараб туриб айтаман. Менда худди шундай тасаввур пайдо бўлмоқда. Қадрли дўстлар, шуни айтишим керакки, бундай муддао билан улар ҳам, булар ҳам янглишмоқдалар. Бу масалада ғалаба фақат умумий бўлиши мумкин. Бошқача ёндашув сиёсий жиҳатдан боши берк кўчага олиб боради, вазиятнинг янада кескинлашувига, эҳтиросларнинг авж олишига, душманликнинг кучайишига олиб боради. Воқеаларнинг бундай ривожланиши кўплаб авлодлар яратган барча қадриятларни йўққа чиқаради, халқ онгини миллатчилик дуди билан заҳарлайди ва шу йўл билан ўртамиздаги муносабатларни жуда кўп йиллар давомида бузиб қўяди. Озарбайжон ва Арманистонда наҳотки шунга интилаётган бўлсалар?

Айни шундай бўлишини хоҳлайдиганлар ва шундай ҳаракат қилаётганлар ҳам борлигини кўриб турибмиз, албатта. Улар юзлаб ва эҳтимол, минглаб кишилар ҳалок бўлаверсинлар, аммо бу миллат руҳини мустаҳкамлайди деган ваҳшиёна, шафқатсиз ғояга берилиб кетишган. Бу — сиёсий телбалик ва олий даражадаги масъулиятсизлик, шафқатсизликдир! Булар — авантюрачилардир, уларни ана шундай деб аташ, атаганда ҳам номма-ном аташ керак. Нормал одамнинг миясига шундай фикр келиши мумкинми? Ўз халқи олдида, бошқа халқлар олдида масъулиятли бўлган, муайян ваколатлар бериб қўйилган кишининг миясига шундай фикр келадими?

Биз Арманистон ССР ва Озарбайжон ССРдаги миллионлаб меҳнаткашларнинг манфаатларига асосланишимиз керак. Ахир, биз ҳозир Арманистон ва Озарбайжон вакиллари билан мулоқотда бўлган вақтимизда улар ҳам, булар ҳам юз берган вазиятдан чуқур изтироб чекаётганликларини ва ҳаммаси яхшиликча ва энг қисқа муддатда ҳал бўлишини хоҳлаётганликларини кўриб турибмиз. Руҳияти эндигина ўзгара бошлаган, вазиятни кескинлаштириш йўлидаги бундан буёнги қадамлар ҳалокатли эканлигини тушуна бошлаган одамлар қанча-дан-қанча. Шу билан бир вақтда биз нима қиляпмиз, қаёққа қараб кетяпмиз, деб тўхтаб, ўйлаб олишни ҳимоя қилиб ўз фикрини айтмоқчи бўлган кишиларнинг руҳиятидаги бу ўзгаришларни тўхтатиш учун, ахир бу хоинлик, деб бақираётган кишилар ҳам топилиб қолмоқда.

Шуни айтишим керакки, Тоғли Қорабоғда, Арманистон ва Озарбайжонда воқеаларнинг салбий йўлдан янада ривожланишига чек қўйиш учун барча республикаларда, умуман мамлакатда бизнинг қатъий ҳаракат қилишимизни кутишмоқда. СССР Олий Совети Президиумида муҳокама қилинаётган масала юзасидан қарор қабул қилаётганимизда одамларнинг оддий донолиги биз учун мўлжал бўлиши керак. Шу соатларда биз вазиятни равшанлаштириб олиш, унга тўғри баҳо бериш ва юз берган вазиятдан, очиғини айтиш мумкинки, боши берк кўчадан чиқадиган йўлни топиш учун биргаликда ўйладик, мулоҳаза юритдик, бир-биримизга саволлар бердик.

Менимча, туйғуларни, кечинмаларни, у томон ҳам, бу томон ҳам бу ерда айтган таъналарни ҳисобга олмасак, бу мажлисда умумий фикр қарор топмоқда: икки халқнинг туб манфаатларидан, совет кишиларининг манфаатларидан келиб чиқиб, энг аввало, биз мавжуд реалликни ва Тоғли Қорабоғ Озарбайжон ССР составига киришини тасдиқлашимиз керак. Бу — масаланинг бир томонидир. Менимча, бу ҳаммамиз учун равшан бўлмоқда, ўртоқлар. Айни бир пайтда бу ерда ҳозирги вазиятга олиб келган жиҳатлар такрорланмаслиги учун Тоғли Қорабоғ аҳолисига гарантияларни кучайтиришга тааллуқли таклифлар ҳам айтилди. Илгари кўп ваъдалар берилган эди ва бу ваъдалар кўп ҳолларда қуруқ гаплигича қолиб кетди, шугина эмас, Тоғли Қорабоғ аҳолисига нисбатан бу ваъдалар аслида алдаш бўлиб чиқди. Бизнинг қароримиз ана шу жиҳатни — бундай аҳвол такрорланишига йўл қўймаслик гарантияларини ҳам ўз ичига олиши керак.

Шу ўринда биз ўзаро келишиш мавзусига яқинлашдик — бу мавзу эшитилди, мен бу ерда айтилган гапларнинг ҳаммасини санаб ўтишни хоҳламайман. Аммо, менимча, Президиум аъзолари ва республикаларнинг вакиллари танишиб чиққан қарор лойиҳасини Тоғли Қорабоғдаги вазиятни тўла ҳисобга оладиган, унинг аҳолисида ҳаёт яхшилик сари ўзгаришига, Озарбайжон ССР составида Тоғли Қорабоғнинг нормал ривожланиши гарантиялари таъминланишига ишончини қарор топтирадиган қоидалар билан тўлдириш керак. Чамаси, етилган масалаларни ҳал этиш, Марказий Комитетнинг ва ҳукуматнинг Тоғли Қорабоғни ривожлантириш тўғрисидаги қарорида кўзда тутилган масалаларни ҳал қилиш учун вақт керак бўлади. Муносабатларни нормаллаштириш, куч-ғайратларни бирлаштириш учун ҳам вақт керак бўлади, чунки амалий, инсоний мулоқотлар ҳам тўхтаб қолди. Афтидан, Олий Совет Президиумининг эҳтимол айни вақтнинг ўзида ҳукуматнинг ва ҳатто КПСС Марказий Комитетининг вакиллари бирон-бир групаси бўлиши лозим — майли, уч киши ўша ерда ҳозир бўлсин, улар мазкур қарорни бажариш учун икки республика ҳамкорлигини ташкил этишга ёрдам берсинлар. Бу қарор жуда кенг кўламли бўлиб, Тоғли Қорабоғдаги вазиятнинг ривожланишини мутлақо бошқа даражага олиб чиқади.

Бундан ташқари, область статусини, унинг ваколатлари ва имкониятларини оширишга доир кўпгина таклифлар айтилди. Менимча, буларни ҳам қайд этиш лозим; бу масалалар ўрганишга арзийдиган масалалардир. Биз республикаларнинг раҳбарлари билан маслаҳатлашдик, балки қарорга унинг биринчи қисмида айтилган гаплар билан бир қаторда Миллатлар Совети доирасида бу ерда айтилган таклифларни кўриб чиқадиган группа ёки комиссия тузиш ҳақидаги бандни қўшимча қилиш керакдир. Кейинчалик Миллатлар Советида бошқа таклифлар ҳам киритилса керак. Шундай қилиб, биз бу муаммони яхшироқ ўргана оламиз. Бунинг устига биз сиёсий системани ислоҳ қилиш сари бормоқдамиз, бу ислоҳот иттифоқдош республикаларнинг ҳуқуқларини, уларнинг жавобгарлиги ва ваколатларини оширишни, автоном республикалар ҳуқуқлари ва статусини кенгайтиришни кўзда тутади. Биз ана шу масалани ўрганиш доирасида бу ерда тилга олинган гарантияларни кучайтиришга олиб борадиган йўлни топа оламиз.

Менимча, агар биз қароримизни ана шу тарзда тўлдирсак, у ҳолда қароримиз нормаллаштириш кенг жараёнини авж олдиришга асос бўладиган ҳужжатга айланади.

Биз вазиятни нормаллаштириш, одамлар ўртасида яхши муносабатларни изга солиш учун Озарбайжон ва Арманистоннинг барча гражданларини етуклик, чинакам ватанпарварлик кўрсатиб, бутун кучларини сарфлашга даъват этамиз.

Албатта, Тоғли Қорабоғ теварагидаги воқеалар икки халқ муносабатларида чуқур из қолдирди, бу муносабатлар чинакам қардошларча муносабатга айланиши учун вақт талаб қилинади. Лекин олий мақсадларга амал қилиб ҳаракат қилиш, бир-бирига пешвоз чиқиш керак.

Бунда биз маданият, маориф, фан, ахборот, умуман маънавият соҳасида Озарбайжондаги арман аҳолисини Арманистондан ажратиб қўйиш тўғрисида ҳеч қандай фикрга йўл қўймаймиз. Худди шу каби Арманистонда яшаётган озарбайжонларга ҳам баравар даражада эътибор ва ғамхўрлик қилиниши лозим. Барча республикалар учун реал йўл ана шундан иборат, ўртоқлар. Ҳаётга асосланиб иш тутиш керак. Бу иккала республика партия, совет органларининг ўз халқлари олдидаги бурчи бўлибгина қолмай, мамлакатимиздаги барча халқлар олдидаги бурчи ҳамдир.

Масъулият билан ҳаракат қиладиган пайт келди, деб ўйлайман. Коммунистлар юксак масъулият намунасини кўрсатадилар, деб умид қиламиз. Уларни суронли синовлар ва жанглар йўлларида ёнма-ён борган уруш ветеранлари, меҳнат ветеранлари қўллаб-қувватлашларига умид қиламиз. Ёшлар уларни қўллаб-қувватлашлари лозим, чунки ҳозир юз бераётган воқеалар ёшларнинг келажагига соя солишига йўл қўйиб бўлмайди. Ахир, бу ёшларнинг онгида қоладиган бўлса, бу келгусида вазиятнинг ана шундай ўтиши ва ривожланиши маълум даражада режалаштирилиб қўйилади, деган маънони билдиради. Бу соғломлаштириш жараёнига зиёлиларнинг вакиллари ўз ҳиссаларини қўшишлари керак, одамлар уларнинг гапларига қулоқ соладилар.

Озарбайжонда ҳам, Арманистонда ҳам ўйлаб иш қиладиган соф виждонли кишиларнинг кўпчилиги масаланинг шу тахлитда қўйилиши адолатли эканлигини тушунади, деб ўйлайман. Сўнгги ярим йил ичида тўпланиб қолган ҳис-туйғулар таъсирига берилиб, мухолифлик йўлини давом эттиришга, эҳтиросларни авж олдиришга, аҳолига тазйиқ ўтказишга уринадиган одамлар ҳам топилишини биламиз. Бундай одамлар кимлар? Воқеаларнинг ривожланиши, тартибсизликларни ташкил этиш методлари, халқни доимо кескинликда сақлаб туришга уриниш, умуман айтганда, маънавий ва сиёсий жиҳатдан уларнинг қиёфасини яққолроқ очиб бермоқда.

Қайта қуришнинг душманлари, турғунлик даврида ҳамёнларини тўлдириб олган консерватив ва порахўр унсурлар Қорабоғ муаммоларидан фойдаланиб қолмоқдалар. Ўртоқлар, биз буни ҳам кўришимиз ва тушунишимиз лозим. Тоғли Қорабоғдаги арманлар тақдири тўғрисида сохта ғамхўрлик билан эътиборни ўзларидан чалғитиш улар учун фойдалидир. Биз буни биламиз, буни кўриб турибмиз ва эътибордан четда қолдирмаймиз. Совет қонунларининг кучи айни ана шундай ва худди ана шундай унсурларга қарши қаратилиши лозим.

СССР Олий Совети Президиумининг қарори (унинг лойиҳаси сизларга тақдим этилган), албатта, қабул қилингандан сўнг оғишмай бажарилиши лозим. Бу қарорни бутун совет халқи қўллаб-қувватлайди, деб ўйлаймиз ва Озарбайжон ҳамда Арманистон ишчилар синфи, деҳқонлари, зиёлилари, барча меҳнаткашларининг ақл билан иш тутишларига, тажрибаси ва донолигига қатъий умид қиламиз.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети, ҳукумат эса вазиятни нормаллаштириш жараёни узлуксиз ва муваффақиятли бориши учун ҳамма ишни қилаверадилар. Келинглар, мажлисдан бирдан-бир тўғри қарорга келдик ва бугун ўзаро келишиб олганимиздек, ҳаракат қилаверамиз, деган қатъий ишонч билан чиқайлик. **(Қарсаклар).**

# СССР Олий Советн Президиумининг мажлиси

**(Давоми. Боши биринчи бетда).**

ларини мустаҳкамлашнинг ленинча принципларига, СССР Конституциясида мустаҳкамланган мамлакатнинг таркиб топган миллий давлат тузилишини сақлаш зарурлигига таяндик.

Тоғли Қорабоғ областини Озарбайжон ССР составидан чиқариш фикри сиёсий жиҳатдан ҳам, иқтисодий жиҳатдан ҳам, юридик жиҳатдан ҳам мақбул эмас. Тоғли Қорабоғни бутун Қорабоғ зонасининг бошқа қисмидан ва бутун республикадан ажратиш тарихан таркиб топган ягона комплексни атайлаб бузиш бўлур эди.

Озарбайжон Олий Совети Президиумининг Раиси Арманистон ССР Олий Советининг қарорини бошқа совет иттифоқдош республикасининг территориясини талаб қилиш, Озарбайжон ССРнинг территориал-маъмурий тузилишини қайта кўриб чиқишга даъво қилиш, деб таърифлади.

Биз, деди пировардида нотиқ, СССР Олий Совети Президиумидан Озарбайжон ССРнинг суверен ҳуқуқлари тўла муҳофаза этилишини таъминлаб, Арманистон ССР Олий Советининг 15 июндаги илтимоси рад этилишини сўраймиз.

Мажлисда Озарбайжон Компартияси Тоғли Қорабоғ область комитетининг биринчи секретари Г. А. Погосян ахборот берди.

Мамлакат аҳолисининг кўпчилиги, деди у, воқеа содир бўлган ўлканинг тарихи, географияси ҳақида жуда кам тасаввурга эга. Бохабар одамлар учун эса Тоғли Қорабоғда илгаридан арманлар яшаб келгани ва бу ўлка арманлар ватанининг бир қисми эканига сира шак-шубҳа йўқ.

Модомики шундай экан, Тоғли Қорабоғ қандай қилиб Озарбайжон составига кириб қолган? Таассуфки, Сталиннинг қўллаб-қувватлашидан ва ўша вақтда Закавказьедаги ва умуман Россиядаги фавқулодда мураккаб вазиятдан фойдаланган Озарбайжоннинг ўша кездаги раҳбарияти аҳолисининг 94 проценти арманлардан иборат бўлган территориянинг Озарбайжон ССР составига киритилишига муваффақ бўлган эди.

«Автономия» мавжуд бўлиб турган сўнгги 65 йил мобайнида областдаги арман аҳолиси жабр тортди. Область раҳбариятидаги барча асосий лавозимларга, одатда Баку вакиллари тайинланар эди.

Қонунларни талқин этувчи айрим кишилар Конституциянинг тегишли моддаларини рўкач қилиб, муаммони ҳал этишдан ўзларини четга олишга уринмоқдалар, деб сўзини давом эттирди область партия ташкилотининг раҳбари. Амалдаги Конституция доирасида Тоғли Қорабоғ масаласини ҳал этиш мумкин эмаслигини исботлашга уринишлар мен учун ишонарли эмас. Аниқроғи, масаланинг ўзини барбод этиш учун Конституциядан қурол сифатида фойдаланишга ўринмоқдалар.

Ҳаёт шундан далолат бериб турибдики, Тоғли Қорабоғ муаммосининг адолатсиз ҳал этилиши арман аҳолисининг ўз ватанидан суриб чиқарилишига муқаррар олиб келади. Нотиқ Нахичеван АССРдаги арманларнинг фожиавий қисматини бунинг кафолати ва таъна-ю маломати деб атади.

Иккала миллат вакиллари ўртасида ҳар куни минг-минглаб амалий алоқалар бўлиши керак, деб ҳисоблайди нотиқ. Ҳозир бундай алоқалар бўлаётгани йўқ ва реалистлар сифатида айтадиган бўлсак, яқин орада бундай алоқаларга эриша олмаймиз. Ҳамма нарсага кўз-қулоқ бўлиб туриш, ўзаро ёнбосиш ва иззат икромга ёрдамлашиш эса бирон-бир орган учун аслида, унинг қурби етмайдиган вазифадир. Ҳозирги вазиятда Тоғли Қорабоғни Озарбайжондан ажратиш бирдан-бир тўғри йўл бўлур эди.

Шундан кейин музокаралар бошланди.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, РСФСР Олий Совети Президиуми Раиси В. П. Орлов СССР Конституцияси мамлакатдаги барча халқлар ва элатларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва суверенитетини гарантиялаб берганлигини таъкидлади. Тоғли Қорабоғ автоном области хусусида махсус қабул қилинган қарор Тоғли Қорабоғ муаммоларини амалий ҳал этишга диққат-эътиборни жамлаш учун барча шарт-шароитларни яратди. Аммо бу регионда, аслида тазйиқ йўли, Конституцияга хилоф йўл танлаб олинган.

СССР Олий Совети Президиуми аъзоси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Шчербицкий муҳокама этилаётган масала, қайси миллатга мансублигидан қатъий назар, ҳар бир совет кишисини лоқайд қолдирмаяпти, деб таъкидлади. Унинг фикри қуйидагича: ҳозир амалда бўлган қонунлар асосида, СССР Олий Совети Президиуми қарори лойиҳасида таклиф этилаётганидек, Тоғли Қорабоғ автоном областининг статусини ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилиш мумкин эмас.

Айни вақтда нотиқ Арманистонда ҳам, Озарбайжонда ҳам мутлақ кўпчиликни ташкил этган ҳақиқий совет ватанпарварлари, аввало, коммунистлар ва комсомоллар, В. И. Лениннинг ҳамиша ва барча ишда интернационал манфаатларни торроқ тушуниладиган миллий манфаатлардан юқори қўйиш лозимлиги ҳақидаги васиятларини ёдда тутиб, бугун амалда, барча ҳаракатларида интернационализмнинг чин намунасини кўрсатишлари ниҳоятда муҳимдир, деб таъкидлади.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Қозоғистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси З. К. Камалиденов Озарбайжон ва Арманистоннинг коммунистлари, барча меҳнаткашлари иккала республикада вазиятни чигаллаштираётган кучларга, қайта қуришга қарши бўлган кучларга матонат билан зарба бера оладилар, деб ишонч билдирди.

СССР Олий Совети Президиуми аъзоси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, Марказий Комитет секретари, Москва шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Л. Н. Зайков минбарга чиқади: биз қатъият билан шуни айтишимиз керакки, демократия — ўзбошимчалик эмас, етилган муаммоларни куч ишлатиб, ҳис-туйғуни ишга солиб ҳал этишга уриниш учун баҳона эмас. Республикалар ва областларни «қайтадан тузиш» иқтисодий ўзаро алоқаларни барбод этиши, ягона халқ хўжалиги комплексининг тараққиётини секинлаштириши мумкин. Нега энди биз халал бераётган бир ғовни иккинчи ғов билан алмаштиришимиз керак?

Чегараларнинг даҳлсизлиги ҳар бир иттифоқдош республика ва умуман СССРнинг суверен ҳуқуқидир. СССР Конституцияси автоном областни бевосита СССР Иттифоқи ҳокимияти ва бошқарувининг олий органларига бўйсундириш тўғрисидаги илтимосни ҳам қондириш имкониятини бермайди.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Грузия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси П. Г. Гилашвили Тоғли Қорабоғ атрофидаги вазиятни ниҳоятда мураккаб ва ғайриоддий вазият деб баҳолади. Ана шундай жўн бўлмаган вазиятда бирон-бир тайёр рецепт бериш ниҳоятда мушкулдир, деди у. Агар ана шундай рецепт хусусида гап борса, аввало, ўз миллатчилиги ва шовинизмига қарши курашгина ана шундай рецепт бўла олади.

Эзгу қардошлик — бебаҳо бойликдир. СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Е. Е. Соколов ўз нутқида халқнинг ана шу ҳикматини эслатди. У Озарбайжон ва Арманистон партия ва совет органлари, жамоатчилигига мурожаат қилиб, ультиматум тилидан воз кечишга, йўл қўйилган хатоларни тузатиш учун биргаликда ишлашга, қонунчилик доирасида муаммоларни биргаликда ҳал этишга даъват этди.

СССР Олий Совети Президиуми аъзоси, П. Н. Лебедов номидаги физика институтининг директори Н. Г. Басов СССР Олий Совети Президиуми номидан Тоғли Қорабоғга комиссия юборишни таклиф этди, мазкур комиссия муаммоларни ҳал этишга ва вазиятни нормалаштириш учун имкониятлар топишга ёрдам берган бўлур эди.

СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишоновнинг фикрича, бу муаммони ҳал этиш учун ультиматум тарзида талаблар қўйишга барҳам бериш, экстремистик чақириқлар янграётган забастовкалар ва митингларни тўхтатиш зарур.

Арманистон ССР Фанлар академиясининг президенти, СССР Олий Совети депутати академик В. А. Амбарцумян Арманистондаги ва Тоғли Қорабоғ автоном областидаги ғайриқонуний чиқишларни қатъиян қоралади. У Тоғли Қорабоғдаги арман аҳолисига нисбатан ўтказган сиёсати учун Озарбайжон ССРнинг собиқ раҳбарияти шанига бир қанча аччиқ сўзлар айтди. Депутат содир бўлган вазиятни жиддий тарзда яхшилаш учун, унинг фикрича, ҳозирча бирон-бир қатъий тадбир амалга оширилмаётганидан ташвишга тушаётганини ҳам билдирди.

СССР Олий Совети Президиуми аъзоси, ёзувчи Р. Ҳ. Ҳамзатов биз невара-чеварамларимизга яна неча ўн йиллар давом этадиган миллий адоватни ёки дўстлик мададини мерос қилиб қолдирамиз, деган масала бугун қабул қиладиган қароримизга боғлиқ бўлади, деб таъкидлади.

Шу боисдан ҳам, бугун танг аҳволдан чиқиш йўлини муҳокама қилар эканмиз, хато қилишга ҳаққимиз йўқ.

Сўз Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А.—Р. Х. Везировга берилади. XIX Бутуниттифоқ партия конференциясидан кейинги СССР Олий Советн Президиумининг биринчи мажлисидаёқ шундай муаммо муҳокама қилинмоқдаки, бу муаммонинг ўртага қўйилишининг ўзиёқ қўшни халқлар дўстлигига жиддий путур етказганлигини англаш юрак-бағримизни ўртаб турибди. Демократиялаш ва ошкоралик тўғрисидаги шиорларни ниқоб қилиб олган кампанияни нотиқ қонунга зид кампания деб атади.

Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари С. Г. Арутюнян иккала қўшни халқ муносабатларини чигаллаштирган вазият ҳақида хавотирлик билан гапирди. У муроса йўлларини қидиришни амалий йўл деб атади. Тоғли Қорабоғ автоном областини вақтинча марказий Иттифоқ ёки РСФСР органларига бўйсундириш, областни автоном республикага айлантириш, Тоғли Қорабоғга махсус вакилларни юбориш ана шундай муроса йўлларидан бўлиши мумкин.

Шоир, Грузия ССР Фанлар академиясининг академиги И. В. Абашидзе икки халқ вакилларининг учрашувини дарҳол ўтказиш тўғрисидаги фикрга қўшилди. Қўшни халқларнинг дўстлиги ва кенг ҳамкорлиги йўлларини қидириш керак, чинакам ватанпарварлик худди ана шудир.

Москва давлат университетининг ректори, академик А. А. Логунов Тоғли Қорабоғ атрофидаги воқеалар — барчамизга зиён етказди, совет халқларининг дўстлигига путур етказди, деб таъкидлади. Арманистонда қабул қилинган қарорлар СССР Конституциясига зиддир. Биз мамлакатимиз асосий қонунига асосланишимиз керак: автоном областнинг Арманистон ССР составига ўтказилиши тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас.

Мажлисда Арманистон республикаси Фанлар академиясининг академиги, Ереван давлат университетининг ректори С. А. Амбарцумян сўзга чиқди. Тоғли Қорабоғ муаммоси янги эмас, деди у. Тарихий адолатсизлик бўлган эди ва арман халқининг бир қисми ўз хоҳиш-иродасига зид тарзда Совет Арманистонидан ташқарида тузилган автономияда қолиб кетди. Ҳозир Арманистонда янги сиёсий вазият, оммавий умумхалқ ҳаракати таркиб топди, унинг замирида ақл-идрок ва адолат ғалабасига ишонч бор, деб таъкидлади у.

СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари, СССР Олий Совети депутати В. А. Петросян Тоғли Қорабоғ аҳолиси 67 йилдан буён ўз тақдири хусусидаги адолатсиз қарорнинг бекор қилинишини талаб этмоқда, деди. Наҳотки шуни Озарбайжоннинг территориал бутунлигига ҳуруж деб аташ мумкин бўлса, деди у мажлис қатнашчиларига мурожаат қилиб.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Литва ССР Олий Совети Президиумининг Раиси В. С. Астраускас Озарбайжон ва Арманистоннинг партия ва совет органлари КПСС Марказий Комитети ва Иттифоқ ҳукумати уларга кўрсатаётган диққат-эътибор ва ёрдамдан фойдалана олмаганликлари учун таассуф билдирди. У академик Басовнинг комиссия тузиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлади, мазкур комиссия қонун негизида аҳволдан чиқиш йўлини топиши лозим бўлур эди.

Биз аввало, коммунистлармиз, шундан кейингина турли миллатларнинг вакилларимиз. СССР Фанлар академияси жаҳон экономикаси ва халқаро муносабатлар институтининг директори, академик Е. М. Примаков ўз нутқини шундай бошлади. Шу боисдан ҳам содир бўлган можаро қайта қуришга қарши қаратилганлиги бизни биринчи галда ташвишлантириши керак. Муроса йўлини қидириш лозим.

СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, ВЦСПС раиси С. А. Шалаев, мамлакат экономикаси — ягона халқ хўжалик комплекси эканлигини уқтириб, иш ташлашларни ташкил этаётган кишилар маҳсулот ишлаб чиқаришни тўхтатиш билан тармоқлараро территориал ишлаб чиқариш алоқаларининг мураккаб системасига путур етказаётганликларини яхши тушуниб турган бўлсалар керак, деб таъкидлади. Сиёсий ультиматум шакли сифатида ишни тўхтатиб қўйиш қонунга зиддир.

Шу нарса аёнки, давом этаётган иш ташлашлар қайта қуришга қарши қаратилгандир, бу қардош халқлар ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашувига олиб келмоқда, мураккаб аҳволдан чиқиш йўлларини жиддий тарзда қийинлаштирмоқда. СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, «Зеленоградстрой» ишлаб чиқариш қурилиш-монтаж бирлашмаси қурилиш бошқармаси комлекс бригадасининг бошлиғи Н. А. Злобин шундай деб ҳисоблайди. У иккала қардош республика ишчилар синфига бевосита мурожаат қилиб, ягона тўғри йўлдан чалғимасликка, ишнинг якуни учун масъулиятни ўз зиммасига олишга даъват этди.

СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамиятлари союзи президиумининг раиси В. В. Терешкова қарор лойиҳасини қўллаб-қувватлар экан, муаммо мустаҳкам ҳуқуқий ва демократик негизда ҳал этилиши керак, деб яна бир карра таъкидлади.

Бундай мушкул вазият қай тарзда пайдо бўлди? СССР Олий Совети депутати, Озарбайжон ёзувчиси М. А. Иброҳимов ўз нутқини ана шу савол билан бошлади. Бунинг сабаблари кўп, бу ерда улар ҳақида гапирилди. Партия ва совет органларимиз, оммавий ахборот воситалари, ёзувчилар миллатчилик кўринишларига етарлича эътибор беришмаётганини Қорабоғдаги воқеалардан келиб чиқадиган энг муҳим хулосалардан бири, деб ҳисоблаш керак бўлади, деди нотиқ.

СССР Олий Совети Президиуми аъзоси, Кировоград область Новоукраинский районидаги КПСС «XX съезди» колхози тракторчилар бригадасининг бошлиғи А. В. Гиталов кўпмиллатли совет давлатини мустаҳкамлаш — бизнинг муштарак вазифамиздир, деб таъкидлади. У баҳсли масалаларни зўравонлик билан ҳал этишга уринаётганларни қоралади.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Эстония Олий Совети Президиумининг Раиси А. Ф. Рюйтель Тоғли Қорабоғдаги воқеалар бутун жамиятимиздаги қайта қуриш ва демократиялаш жараёни учун жиддий синов бўлганлигини айтди. У арман ва озарбайжон ўртоқларга мурожаат қилиб, муштарак мақсадларимизни тушуниб олишга, ақл-фаросат ва сабр-бардошлик билан иш тутишга даъват этди.

СССР Бош прокурори А. Я. Сухарев Тоғли Қорабоғ автоном областидаги муаммоларнинг мураккаблигини назардан қочирмаган ҳолда область халқ депутатлари Совети сессиясининг Озарбайжон ССР составидан чиқиш тўғрисидаги қарорини хато ва қонунга зид қарор деб ҳисоблаётганлигини таъкидлади. Воқеалар ҳуқуқ тартибот тобора бузилаётган бир шароитда авж олиб бормоқда. Ёвуз безорилар, фитначилар жазоланиши керак.

Шундан кейин М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Молдавия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Мокану Тоғли Қорабоғ автоном областини бир республикадан иккинчи республикага ўтказиш тўғрисидаги талаб СССР Конституциясига мос эмаслигини таъкидлади. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми сабр-бардош, вазминлик билан муаммони тушуниб иш юритмоқдалар. Аммо, аввало республика органлари муроса йўлини қидириш билан шуғулланишлари лозим.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Тожикистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ғ. Паллаев Тоғли Қорабоғдаги, Арманистондаги ва Озарбайжондаги носоғлом воқеалар дилни ранжитмаслиги мумкин эмас, деди. Совет кишиларини бир-биридан ажратмасдан, балки уларни қайта қуриш байроғи остида жипслаштирадиган барча оқилона йўллардан фойдаланиш зарур.

Арманистон ва Озарбайжон ёшлари, улар билан биргаликда бошқа иттифоқдош республикаларнинг ёшларига жиддий хавф таҳдид қилмоқда. СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари В. И. Мироненко ўз нутқини ана шундай сўзлар билан бошлади. Миллатчилик ёки шовинизм балоси юққан йигит-қиз, деди у, маънавий жиҳатдан ўлик ва сўқирдир, чунки айни шу вақтдан бошлаб у оламни нотўғри талқин қилиб, ҳамма нарсада ва ҳамиша ғайридинларнинг макр-ҳийласини кўра бошлайди.

М. С. Горбачев мунозара чоғида кўп нотиқлар билан мулоқотда бўлди, бу миллатлараро муносабатларнинг мураккаб комплексини ҳал этишнинг амалий йўлларини қидириш, содир бўлган вазиятни ақл-идрок, вазминлик билан таҳлил этиш зарурлиги ва умумдавлат манфаатларини кўзлаб муроса йўлидан масъулиятли қадамлар қўйиш тўғрисидаги мулоқот эди.

Пировардида А. А. Громико нутқ сўзлади. Бўлиб ўтган фикрлашиб олиш, деб таъкидлади у, социализм шароитида миллатлар ўртасидаги можаролар кўриб чиқилиши ва ҳал этилиши лозим бўлган негизни аниқ-равшан рўёбга чиқарди. М. С. Горбачев нутқида ана шундай негиз аниқ-равшан ифодалаб берилган. Бунинг моҳияти шундаки, биз кўпмиллатли давлатда яшамоқдамиз ва тарихий тақдиримизнинг, бу сўзнинг кенг кўламдаги, чуқур ва олижаноб мазмундаги тақдирнинг муштараклиги билан боғланганмиз. Шунинг учун ҳам миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш мамлакатимиздаги барча миллатлар ва элатларнинг манфаатларини ҳисобга олиб амалга оширилиши керак. Бундай такомиллаштириш бизнинг асосий бойлигимиз — иттифоқимизнинг яхлитлигига, барча совет халқларининг бузилмас дўстлигига рахна солмаслиги керак. Бу биринчи ва асосий масаладир. СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Тоғли Қорабоғ — бу хусусий масала, регион масаласи эмас, деб таъкидлади. Эндиликда бу бутун совет халқининг ташвишидир. Одамлар халқлар дўстлиги ана шундай шароитда ҳам яна бир карра ўзининг бузилмаслигини тасдиқлайди, деб орзиқиб кутиб турибдилар ва шундан умидвордирлар. Ҳозирги асосий вазифа республикалар ўртасидаги бегонасирашга барҳам беришдан, вазиятни барқарорлаштириш учун чоралар кўришдан иборат.

Президиум мажлисида Озарбайжон ССР ва Арманистон ССРдан СССР Олий Совети депутатларининг катта группаси иштирок этди. СССР Олий Совети Президиуми якдиллик билан тегишли қарор қабул қилди.

**(ТАСС).**

